

-да юкламаси пресуппозицияси

Юкламаларнинг қўлланилиши ҳамиша маълум бир тағмаёно билан боғлиқлиги қадим-қадимдан маълум. Жумладан, сўроқ, таъкид, кучайтириш, ажратиш в.х юкламаларининг тағмаёно билан боғлиқлиги ҳақида қадимги тилшунослар ҳам, биринчи туркийшунос Маҳмуд Қошғарий ҳам ёзган. Риторик сўроқ гапларнинг жавоби унинг ичида мужассамлашганлиги эса тилшуносларга аллақачонлардан маълум.

-да юкламаси барча илмий адабиётларда ва дарсликларда кучайтирув-таъкид юкламаси сифатида тавсифланади. У ўзи иштирок этган жумладаги ёки сўздаги мазмунни кучайтириш билан бирга ифодаланаётган воқеликни таъкидлайди. Бу юклама ҳам ўзи иштирок этган жумланинг семантик структурасини мураккаблаштириб, турли пресуппозицияларга ишора қилади. Масалан: *Йиғлоқироқ чиқди-да* (Э.Аъзам) жумласида қатнашган – да юкламасидан 1) *йиғлоқи бўмаслиги керак эди, лекин йиғлоқи бўлиб чиқди*; 2) *йиғламаслиги керак*; 3) *бошқача бўлиши керак эди* каби пресуппозициялар англашилмоқда. Агар *йиғлоқироқ чиқди-да* жумласидаги –да юкламасини тушириб қолдирсак, «*йиғлоқироқ чиқди*» жумласидан фақат аниқ бир ҳукм англашила бошлайди. Ҳеч қандай лингвистик пресуппозиция юзага келмайди. Шу ўринда эслатиб ўтишимиз лозимки, бу жумладан «*йиғлоқи бўлиб чиқмаслиги керак эди*» мантикий пресуппозицияси ҳам англашилади. Аммо биз юқорида таъкидлаганимиздек, лингвистик пресуппозиция ва унга ишора қилувчи воситалар хусусида сўз юритмоқдамиз. *Йиғлоқироқ чиқди-да* жумласида –да юкламаси орқали эса кутилмаган ҳолатнинг юзага келганлиги, бошқача бўлиши лозимлигига ишора маънолари бу юкламанинг семантик «юки» сифатида пресуппозицияга ишора қилган.

Эҳ, шўрлик бандалар, ҳолларинг шу-да (Э.Аъзам) жумласидаги –да юкламасида «*аҳволларинг бошқача бўлиши керак эди, лекин шундай бўлиб қолди*» ёки «*сизлар шунга лойиқсиз*» пресуппозициялари тушунилмоқда.

Ролниям ўйнайди-да жумласида –да юкламаси ҳаракат белгисини кучайтириш орқали «*ролни жуда яхши ўйнайди*» пресуппозициясини шакллантирмоқда. Ёки *Ленинградга борса борибди-да* (Э.Аъзам) гапидаги – да юкламаси «*борса нима қипти*», «*борган бўлса нима бўпти*» сингари пресуппозицияларга ишора қилмоқда.

Бошқалардан фарқи – унинг ўғлида ҳам, кўёвида ҳам машина бор эди, «Салом Тошқул олиб берган-да», дейишарди билганлар (Э.Аъзам) жумласида –да юкламаси «*мошинани бошқа киши эмас, айнан Салом Тошқул олиб берган*» пресуппозициясини шакллантирмоқда.

-да юкламаси кўп ҳолларда кесим вазифасидаги сўзга қўшилиб келади ва ўзи қўшилиб келган сўз билан бирга турли пропозициялар ифодалайди. Шу сабабли бу юклама ҳам бошқа юкламалар сингари камида икки пропозиция ифодалайди. Чунки бу юклама қўшилмаган ҳолатларда битта аниқ ҳукм англашилишини юқорида кўриб ўтдик.

Аммо бу юклама қўшилгач, жумланинг таъсирчанлиги ўзгаради. *Пианино чалишимни айтаяпсиз-да* (Э.Аъзам) гапида –да юкламаси куйидаги пресуппозицияларга ишора қилмоқда: 1) *сиз мени пианино чалишимни биласиз*; 2) *мен пианино чаламан*; 3) *пианино чалишимдан хабардорсиз*; 4) *бошқа нарса эмас айнан пианино чалишимни айтаяпсиз*.

Демак, –да юкламаси қўшилганда жумладан англашиладиган ҳукм ҳам ўзгарар экан. Бундай ҳолатларда эса предикатнинг қандай шаклда келиши (–да биланми ёки усиз) алоҳида аҳамият касб этади ва бевосита ҳукмга таъсир қилади. Шунингдек, турли пропозицияларни ҳам юзага келтиради. Шунинг учун –да юкламасининг пресуппозициясини текширишга унинг ўзини алоҳида олмасдан, у қўшилиб келган бўлак билан биргаликда таҳлил қилиш керак лозим бўлади. Чунки –да юкламасининг якка ўзи ҳеч қандай пропозиция англатмайди. Бунинг учун матн алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, матнда –да юкламасининг қўлланиши сўзловчи ва тингловчининг коммуникатив ниятига ҳам боғлиқ. Чунки бу юклама бевосита сўзловчининг муайян ниятини юзага чиқариш учун жумладаги бирор синтактик бўлакка «тиркалади». Масалан, *Тўғри-да, асабини бузиб, мендек телбанамо бир болага тенг бўлиб ўтирадимиз?* (Э.Аъзам) жумласида –да юкламаси кириш бўлакка қўшилиб, сўзловчи фикридаги таъкид муносабатини кучайтириш учун қўлланилган ва «ўйлагани тўғри» пресуппозициясига ишора қилаяпти.

Чунки сўзловчининг хабари (ахбороти) аниқ бўлса, бу бир ҳукмдан иборат бўлган жумла орқали баён этилади ва бунда –да юкламасига эҳтиёж туғилмайди. Агар сўзловчи нутқий жараёнда –да юкламасидан фойдаландими, демак, унинг бу восита орқали сўзловчига таъсир этиш мақсадини кўзлаган. Бинобарин, сўзловчи нутқида қўлланилган –да юкламаси зиммасига мулоқот жараёни билан боғлиқ бўлган бир неча маъно юкланади. Масалан, «*Кеч келди-да*» жумласида 1) «кечикди» ва «эртарок келиши керак эди» пропозициялари ифодаланмоқда. Биринчи пропозиция жумла таркибидаги синтактик бўлаклар орқали очиқ ифодаланган бўлса, иккинчи пропозиция –да юкламаси орқали яширин ифодаланмоқда. Бунда –да юкламаси ишлатилмаса ўз-ўзидан у билан боғлиқ иккинчи пропозиция «йўқолади». Аммо бу жумлада –да юкламасининг қўлланиши орқали сўзловчи тингловчига қандайдир «умид ўйғотади», яъни «кечиккан бўлса ҳам, бу унчалик қўрқинчли эмас, буни (кечикканини) тўғрилаш учун нимагадир имкон, илож, илинж бор» маъноларига ишора қилади. Бу ҳолатга айнан –да юкламасини қўллаш орқали шунга ишора қилинаяпти. Бу юклама сўзловчи нутқидаги кескинликни ҳам камайтирмоқда. Демак, бу ўринда –да юкламаси «*кеч қолган бўлса ҳам ниманидир имкони бор*» мазмунидаги пресуппозицияга ишора қилмоқда.

Хулоса ўрнида эътироф этишимиз зарурки, пресуппозиция «сўзловчи ва тингловчининг умумий билиш фонди» дир.

Ушбу мақола «Тил ва адабиёт таълими» журналада (Тошкент, 2012. –№ 12. –Б. 34-35.) чоп этилган.